ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МОЛИЯ-ИҚТИСОД ФАКУЛТЕТИ

“МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

РЕФЕРАТ

Мавзу: Хўжалик субъектларида молиявий режалаштириш

Бажарди: Шарипова С.

Қабул қилди: Турсунова Н.

Тошкент-2013

Мавзу: Хўжалик субъектларида молиявий режалаштириш

Режа:

1. **Молиявий режалаштиришнинг моҳияти ва методлари**
2. **Молиявий режалаштириш босқичлари, принциплари**
3. **Молиявий режалаштириш турлари**

Молиявий режалаштиришнинг моҳияти ва методлари

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш тизимининг асосий босқичларидан бири режалаштиришдир. Иқтисодий адабиётларда, энг умумий шаклда, режалаштириш истиқболга йўналтирилган қарорларни қабул қилиш бўйича фаолият деб талқин қилинади.

Мамлакатимизда режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан айрим иқтисодчилар томонидан иқтисодиётда режалаштиришнинг шу жумладан, молиявий режалаштиришнинг аҳамияти бутунлай инкор этилмоқда. Бу нарсани бозор иқтисодиётининг режали иқтисодиётдан туб фарқ қилиши, ундаги муносабатлар режалаштирилмасдан, балки аксинча, стихияли равишда вужудга келиши ва ҳ.к.лар билан изоҳлашга ҳаракат қилинмоқда. Шу боисдан ҳам айрим дарслик ва ўқув қўлланмаларида режалаштириш шу жумладан, молиявий режалаштириш масалаларига ўрин берилмаяпти. Бозор иқтисодиётининг, энг аввало, талаб ва таклифга асосланиши тегишли иқтисодий жараёнларнинг режалаштиришдан мутлақо воз кечилишини англатмайди. Аксинча, бозор иқтисодиётида ҳам режалаштириш шу жумладан, молиявий режалаштириш ҳам янгича маъно-мазмун касб этиб, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқарув тизимининг энг муҳим босқичи бўлиб қолаверади.[1]

“Молиявий режалаштириш” тушунчаси ўз ичига қуйидагиларни олади:

- тараққиётнинг асосий тенденцияларини аниқлаш ва молиявий таҳлил

[1] Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. – Молия: Умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. – Тошкент, “Молия-иқтисод”, 2008. 169-бет.

қилиш;

- жалб қилинган маблағлар ва вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштириш менежменти;
- фирма ичидаги молиявий натижалар ва пулларни режалаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш технологияси;
- инвестицион менежмент;
- капиталлар менежменти;
- фаолиятнинг бошқа кўринишлари (траст, факторинг, лизинг ва бошқалар).

Қуйидагилар молиявий режалаштиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш, инвестицион ва молиявий фаолиятларни керакли бўлган молиявий ресурслар билан таъминлаш;
- пул маблағларидан иқтисод қилиб, тежаб-тергаб фойдаланиш ҳисобидан корхонанинг фойдасини ошириш бўйича ички резервларни қидириб топиш;
- капитални самарали жойлаштириш йўлларини аниқлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни баҳолаш;
- контрагентлар билан оптимал молиявий муносабатларни ўрнатиш;
- корхонанинг молиявий аҳволи, тўловга қобиллиги ва кредитга лаёқатлилиги устидан назорат ўрнатиш.

Молиявий режалаштириш амалиётида қуйидаги асосий методлардан фойдаланилади:

- иқтисодий таҳлил методи;
- норматив метод;
- коэффициент методи;
- балансли ҳисоб-китоблар ва пул оқимлари методи;
- кўп вариантлилик методи;
- иқтисодий-математик моделлаштириш методи ва бошқа методлар.

Молиявий режалаштириш босқичлари, принциплари

Молиявий режалаштириш жараёнининг қуйидаги асосий босқичларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижаларини тадқиқ этиш;
- оператив режаларнинг ўзгариши асосида молиявий ҳисоботларнинг башорат вариантларини ишлаб чиқиш;
- ўз режа топшириқларининг бажарилишини таъминлаш учун хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ресурсларга бўлган конкрет эҳтиёжларини аниқлаш;
- молиялаштириш манбалари (шу жумладан, ўз ва ташқи манбаларнинг) ва уларнинг таркибий тузилишини башоратлаш;
- хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқаришнинг тизимини яратиш ва уни ушлаб туриш (қўллаб-қувватлаш);
- шакллантирилган режаларни оператив ўзгартириш тартибини ишлаб чиқиш.

Молиявий режалаштиришдан кўзланган мақсад – молиявий ресурсларнинг, капитал ва захираларнинг кутиладиган хажмларини молиявий кўрсаткичлар катталикларини прогнозлаш асосида аниқлашдан иборат. Молиявий режалаштиришнинг мухим жихати унинг стратегияси, яъни хўжалик субъектларининг даромад (фойда) ва харажатлар марказларини аниқлашдир. Хўжалик субъектининг даромад маркази унга максимал фойда келтирувчи бўлинмаси хисобланади. Харажатлар марказига хўжалик субъектининг кам рентабелли ёки умуман нотижорат бўлган, лекин умумий ишлаб чиқариш жараёнида мухим роль уйновчи бўлинмалар хам киради. Масалан, Ғарб давлатларидаги кўплаб фирмалар «саксонга йигирма» коидасига риоя қиладилар, яъни 20% капитал сарфи 80% даромад келтириши шарт. Демак, қолган 80% капитал қўйилма факат 20% фойда келтиради.

Молиявий режаларни тузиш жараёни асосан уч босқичда олиб борилади:

Биринчи босқич - ўтган базис йилида эришилган хамма иқтисодий кўрсаткичлар бўйича, масалан, ишлаб чикариш режаси, махсулот реализацияси, таннарх, асосий ва оборот фондларидан фойдаланиш даражаси ва шу кабилар бўйича чуқур иқтисодий таҳлил қилинади. Иқтисодий таҳлил жараёнига даромадларнинг кўпайтириш йўллари, молиявий ресурслардан окилона фойдаланиш йўллари ва чоралар кўрилиши хамда шулар асосида хомаки ҳисоблар хал қилинади.

Иккинчи босқичда - биринчи босқичдаги маълумотларга асосланиб, даромад ва харажатларнинг конкрет турлари бўйича молиявий ҳисоб-китоблар қилинади. Маълумки, молиявий кўрсаткичлар синоптик характерга эгадир, улар бутун ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий якунларини кўрсатади. Дастлаб, шу кўрсаткичларга асосланиб ишлаб чиқаришнинг ўсиши юзасидан хулосалар қилинади ва шу асосда молиявий кўрсаткичларни ўсиши ҳисоб-китоб қилинади.

Учинчи босқичда - даромадлар ва харажатлар тенглаштирилади, иқтисодий тахлил жараёнида даромадлар ва харажатларни ўсиш ёки камайиш тенденцияси аниқланади.

Молиявий режалаштиришнинг табиати ва таркиби унинг принципларини аниқлайди. Улар қуйидагилардан иборат:

- режалаштириш (бошқариш)нинг умумий тизимга интеграциялашуви принципи ва корхона ривожланишининг миссия ва умумий стратегияга бўйсуниши;
- муддатларнинг ўзаро молиявий нисбатдаги муносабати принципи – молиявий маблағларнинг қабул қилиниши ва фойдаланилиши белгиланган муддатларда содир бўлиши керак, яъни узоқ муддатларда ўзини қоплайдиган капитал қўйилмаларни узоқ муддатли қарз маблағлари ҳисобига молиялаштириш мақсадга мувофиқдир;
- тўловга лаёқатлилик принципи – пул маблағларининг режалаштирилиши йилнинг исталган вақтида корхонанинг тўловга лаёқатлилигини таъминлаши керак. Ушбу ҳолатда корхона, қисқа муддатли

мажбуриятларни сўндиришни таъминлаш учун, етарлича ликвидли асосий воситаларга эга бўлиши зарур;

- капитал қўйилмаларнинг рентабеллик принципи – капитал қўйилма учун мавжуд молиялаштириш усулларидан (молиявий лизинг, банк инвестицион кредити, лойиҳавий молиялаштириш ва бошқа усуллар) арзонроқ усулини танлаш керак;
- рискларнинг баланслашганлиги принципи – узоқ муддатли характердаги алоҳида рискли инвестицияларни ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш мақсадга мувофиқдир;
- бозор талаби (эҳтиёжи)ни ҳисобга олиш принципи – корхона учун бозор конъюктурасини, унинг ҳажми ва ундаги рақобатчилар фаолиятини ҳисобга олиш муҳимдир;
- бениҳоя (ҳаддан ташқари) рентабеллик принципи – минимал рискларда максимал сермаҳсуллик (фойдалилик)ни таъминлайдиган маблағларни молиялаштириш йўналишини танлаш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий режалаштириш турлари

Корхоналарда молиявий режалаштириш амалда жорий бўлиш муддатидан келиб чиққан ҳолда ўз ичига учта тизимни қамраб олади:

1. Стратегик (истиқболли) режалаштириш
2. Жорий режалаштириш (бюджетлаштириш)
3. Тезкор режалаштириш

Стратегик режалаштириш – бу бошқарув функцияларидан бири бўлиб, у ўзида корхона ёки ташкилот мақсадларини танлаш ва уларга эришиш йўлларини кўрсатувчи жараённи ифода этади. Стратегик режалаштириш - стратегик режани ишлаб чиқишга йўналтирилган барча бошқарув қарорлари, ташкил этиш функциялари, мотивациялар ва назорат учун асос бўлиб хизмат қилади. Стратегик режалаштириш жараёни эса корхона ёки ташкилот аъзоларини бошқариш учун асосни таъминлайди.

Молиявий режалаштиришда стратегик режалаштиришнинг асосий вазифаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- режалаштириш объектини аниқлаш;
- ажратилган ҳолдаги тезкор маъмурий ва стратегик режалардан фойдаланган ҳолда молиявий режалар тизимини ишлаб чиқиш;
- зарур молиявий ресурслар ҳисоб-китоби;
- ички ва ташқи молиялаштириш ҳажми ва тузилиши ҳисоб-китоби, қўшимча молиялаштиришнинг заҳира ва ҳажмининг аниқланиши;
- корхонанинг даромад ва харажатлари прогнози.

1-жадвал.

Молиявий режалаштириш тизими ва ишлаб чиқиладиган режалар шакли[2]

Молиявий режалаштириш тизими	**Ишлаб чиқиладиган режалар шакли**	**Режалаштириш муддати**
Стратегик (истиқболли) режалаштириш	Даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот прогнози Пул маблағлари ҳаракати прогнози Бухгалтерия баланси прогнози	3-5 йил
Жорий режалаштириш (бюджетлаштириш)	Операцион фаолиятдаги даромадлар ва харажатлар режаси Инвестицион фаолиятдаги даромадлар ва харажатлар режаси Пул маблағларининг кирими ва чиқими режаси Баланс режа	1 йил
Тезкор режалаштириш	Тўлов календари Солиқ календари Касса режаси Қисқа муддатли кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ҳисоб-китоби (кредит режаси)	Декада, ой, квартал

Демак, стратегик режалаштириш исталган режалаштириш тизимининг асоси ҳисобланади. Умумий корхона олдига ва алоҳида унинг ишчилари олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни аниқ тушунмай туриб, корхона фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишни олиб бориш мураккабдир.

Стратегик режалаштиришни амалга оширган ҳолда корхона раҳбарлари, корхона фаолиятини самарали ҳал қилишда баъзан янгича метод ва фикрлаш

[2] М.Г.Лапуста, Т.Ю.Мазурина, Л.Г.Скамай – Финансы организаций (предприятий). Учебник. М.: «ИНФРА-М», 2009г., 457-бет.

усуллари зарурлигини англашлиги керак. Янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, корхонада юқори даражадаги режалар ишлаб чиқилиши ва тузилишини ҳамда натижа сифатида жами режалаштириш самарадорлигини ошишини таъминлаши мумкин. Ходимлар улар томонида бериладиган исталган таклифлар кўриб чиқилишини, ташаббускорлик эса қўллаб қувватланишини билишлари зарур.



2-чизма. Режалаштириш классификацияси[3]

[3] Веретенникова О.Б., Майданик В.И. - Разработка финансовой стратегии предприятия. Методические указания. – Екатеринбург: Издательство Уральского государственного экономического университета, 2005. 7-бет.

Стратегик режалаштириш ва тезкор қарор ўртасидаги боғлиқлик – корхона стратегиясидаги биринчи рақамли масаладир. Стратегик режалаштириш стратегик режалаштиришнинг ўзи учунгина эмас, балки унинг ҳолати аниқ бир қарорларга ўтказилиш хусусиятига эга бўлишлиги учун қабул қилиниши керак. Самарали режалаштириш талабларига жавоб берадиган эса стратегия ва тезкорлик ўртасидаги боғлиқликдир.[4]

Шу билан бир вақтда эса, ишлаб чиқиладиган стратегик режа ва унинг амалга оширилиши – бу турли жараёнлар эканлигини англаш зарур. Фақатгина стратегик режа маъқулланганидан ва қабул қилинганидан сўнгина, унинг амалга ошириш усуллари ҳақида гапириш мумкин.

Стратегик режалаштириш, ушбу конкрет корхона олдига қўйилган, мақсад ва вазифаларга эришиш учун мўлжалланган, махсус вазифалар стратегиялар ишлаб чиқиш учун, корхона рахбарияти томонидан қўлланиладиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар тизимини ўзида акс эттиради. Корхона раҳбарияти бошқарув қарорларини қабул қилаётганда ушбу қарорлар учун дастак сифатида стратегик режалаштиришдан фойдаланади. Стратегик режалаштириш жараёни доирасида тўрт асосий бошқарув фаолиятини ажратиш мумкин:

- ташкилий стратегик кўра билиш;
- ички мувофиқлаштириш;
- ресурсларни тақсимлаш;
- ташқи муҳитга мослашиш.

Стратегик режалаштириш корхонанинг бош мақсадларини, шунингдек, уларга эришиш йўлларини ўзида акс эттиради. Қўйилган мақсад ва стратегик режалаштириш бир маънони англатмайди. Стратегик режалаштириш корхонанинг реал имкониятларидан келиб чиқиши зарур. У: корхона ривожланишини башоратлаш, инвестиция сиёсатини такомиллаштириш, ташқи муҳитга мослашиш каби йўналишларга йўналган.

Корхона ривожланишини башоратлаш.

[4] Алексеева М.М. Планирование деятельности фирмы. – М.: Финансы и статистика, 2007. 91-бет.

Стратегик режалаштиришни амалга ошираётганда раҳбарият келгуси ривожланиш башоратини олмоғи керак. Олинган башорат корхонанинг қайси йўналишда ҳаракатланаётгани ва маълум маънодаги иқтисодий кўрсаткичларда қандай натижаларга эришилиши ҳақида таассуротлар беради.

Ички бўлинмаларнинг ўзаро мвофиқлигини ташкил этиш.

Стратегик фаолиятнинг ички бўлинмалар ўзаро мувофиқлиги, ички операцияларнинг самарали интеграциясига эришиш мақсадида корхонанинг кучли ва кучсиз томонларини акс эттириш учун, ўзида намоён этади.

Ташқи муҳитга мослашиш.

Мослашиш корхонанинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқаси бўйича стратегик режалаштиришдаги барча ҳаракатларини қамраб олади. Корхона ташқи муҳитнинг ижобий ва салбий ҳодисалари каби барча тўқнашувларга тайёр бўлиши зарур. Исталган вазиятларда ўзини тутиш қоидасини ишлаб чиқиш керак бўлади. Шунингдек, анча такомиллашган ишлаб чиқариш тизимини ишлаб чиқиш орқали қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат органлари ва умуман жамоат билан ўзаро муносабатларни яхшилаш зарур бўлади.

Стратегик режалаштириш ўзида, корхона олдига қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш учун мўлжалланган батафсил, ҳар томонлама комплекс режалаштиришни намоён этади. Стратегик ривожланишнинг асосий йўналишлари корхона раҳбариятига тушунарли бўлиши ва қуролланишда улар томонидан қабул қилиниши зарур. Айнан раҳбарият стратегия ишлаб чиқилишига жавоб берса, шу билан бир вақтда унинг ижроси жамоа зиммасига тушади.